

## Пулнинг қиймати



18:35 / 02.04.2018 4047

Ашраф Алий Таҳонавий раҳимаҳуллоҳ айтдилар: «Баъзи одамлар зарурийят сабабидан, яъни ўзининг зарурий ҳожатларини битириш учун пул топишга ҳаракат қилади. Зарурати битгач эса умр бўйи ҳам пулнинг юзини кўришни истамайди. Баъзиларнинг эса пулнинг ўзига тааллуқи (алоқаси, муҳаббати) бўлади. Бу жуда ёмон касалликдир. Бундай одам **«Менинг мана шунча пулим бор»**, деб маза қилади.

Пулга муҳаббат ва ундан маза қилиш ҳақида гап кетганда дўстим айтиб берган бир судхўрнинг ҳикояси ёдимга келди. Судхўр бемор бўлиб қолди. Пули кўп бўлса ҳам, ўзини даволатмас эди. Дўст ва яқинларининг мажбурлаши билан даволанишга зўрға рози бўлди. Лекин: **«Тахминан ҳисоблангларчи, даволанишга қанча пул кетаркин?»** деди. Дўстлари беморнинг томирини кўриб, рецепт ёзадиган табибни олиб келиш, ёзиб бериладиган дориларни ичиш муддати, хуллас, ҳаммасига тахминан қанча пул сарф бўлишини ҳисоблаб айтдилар. У эса: **«Ана энди, ўлишга қанча пул сарф бўлишини айтиб беринглар»**, деди. Ёнидагилар бу сарф харажатни ҳам айтиб берган эдилар, у: **«Ўлиб қўяқолай деган фикрга келдим. Чунки даволанишга кўп пул кетар экан, ўлишга эса камроқ»**, деди.

Инсон шу қадар ҳам разил бўладими? Бу пулга муҳаббат тўғрисида эшитган ҳикояларимнинг охириги даражадагиси эди»

**«Малфузот»**, 6-ж, 154-б

**Таржимон:** Ёрқинжон Фозилов